

ЎЗБЕК МУМТОЗ ЛИНГВОПОЭТИКАСИДА ЭМОЦИОНАЛ-ЭСТЕТИК
БАҲОНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6067198>

Маруфова Зулфия Набиевна,

ФарДУ тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада ўзбек мумтоз шеъриятида гўзалликнинг ифодаланиши ҳақида фикр юритилади. Когнитив метафора орқали шарқона “Гўзаллик” концептининг вербаллашуви, миллий-этник, эмоционал-эстетик баҳо мезонлари шеърий парчалар асосида таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Гўзаллик, концепт, когнитив механизм, маъно кўчиши, эмоционал баҳо, вербаллашув.

Expression of emotional-aesthetic evaluation in uzbek classic linguopoetics

Annotation: The article discusses the expression of beauty in Uzbek classical poetry. Verbalization of the Eastern concept of "Beauty" through cognitive mechanisms, the criteria of national-ethnic, emotional-aesthetic evaluation are analyzed on the basis of poetic passages.

Keywords: Beauty, concept, cognitive mechanism, meaning shift, emotional evaluation, verbalization.

Гўзаллик маданиятнинг энг муҳим категорияларидан саналади. Гўзал нарсалар инсон амалий фаолиятига, манфаатларига мос бўлиб, уларни идрок этиш хайрат ва қувонч бағишлайди, шахснинг уйғун ривожланишига, унда энг яхши инсоний хислатлар таркиб топишига кўмаклашади. Асрлар мобайнида ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий-эстетик диди, дунёқарашлари, гўзалликка бўлган муносабати, тасаввур ва талаблари шаклланиб борган. Табиийки, бу нарсалар ўз замонасининг миллий маданиятида, адабиётида ва эстетик кадриятларида ўз ифодасини топган. “Шеъриятда гўзаллик концептуализацияси гўзаллик ҳақидаги тасаввурларнинг муаллифлик ассоциациялари маҳсулига, шоирнинг атрофидаги нарса ва ҳодисалар гўзаллиги ҳақидаги субъектив тушунчаларига асосланган” [Сборошенко, 2009:8]. Шоир учун гўзаллик концепти интерпретацияси ассоциатив-субъектив характерга эга бўлган белгидир.

Муайян концептни вербаллаштиришда когнитив механизмлар, хусусан, метафора, метонимия ва синекдоханинг ролини таъкидлаш жоиз. “Ж. Лакофф ва М. Жонсон метафорик ҳосила маънонинг пайдо бўлишида икки когнитив майдон, яъни манба майдони ҳамда мақсад майдони иштирок этишини кўрсатишади. Уларнинг фикрича, концептуал метафоралар ортида фрейм ва сценарий ўртасидаги ўзаро таъсир кучи ётади. Манба майдони инсоннинг тажрибаси орқали борлиқни идрок этишидаги аниқ билимлар йиғиндисидир. Мақсад майдони эса нисбатан кам ойдинлашган,



аниқлашган муқаррар билимдир” [Юлдашев, 2019: 60]. Ўзбек мумтоз шеърлятида “гўзаллик” тушунчаси Аёл(маъшуқа) тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, аёл хусни жамолини ошиқ(субъект) сифатида таърифлаш орқали миллий-эмоционал баҳо мезонлари шакллантирилган. “Гўзаллик” концептини ҳосил қилувчи турли тимсоллар гуруҳи яратилган. Ранг ифодаловчи бирликларнинг ўзидан турли-туман бадий тасвирлар яратилган. Масалан:

оқ рангни ифодалаш учун *сийм(кумуш),садаф, ой, қуёш, оқ гул;*

қора ранг ифодаси учун *жубба, мушк, зуннор, ҳинду, ҳабаш, оҳунинг кўзи, Билол тимсоли;*

қизил ранг ифодаси учун *гул, лаъл, ақиқ, лола, қон, анор(нор);*

сарик ранг ифодаси учун *сомон, хашак, хазон, олтин* лексемалари фаол қўлланилган. Улар “когнитив манба майдонлари” сифатида ёр ва ошиқнинг ташқи кўриниши, руҳий ҳолати, эстетик қарашлари, ҳиссий кечинмаларини, субъектнинг эмоционал-экспрессив баҳосини вербаллаштирган.

“Ҳар бир фрейм эстетик баҳо орқали турли маданиятлардаги ҳар хил қадриятларни жонлантиради ва улар турли миллий тимсоллар, образларда вербаллашади” [Раҳматова, 2019: 104]

Олтин, кумуш лексемалари ранг жиҳатдан юз ва бадан тусини ифодалаб, ҳар бирига алоҳида маъно юклатилган:

Ишиқ ўтида Лутфий юзи олтинни ёшурди,

Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма (Лутфий).

Байтдаги “олтин” лексемаси метафорик кўчим орқали ошиқ юзининг рангини ифодалаётганини олтин метали ҳақида тасаввурга эга бўлга ҳар қандай одам осонгина тушунади. Хаста одам юзидаги сариклик билан олтиннинг сариклик белгиси субъект онгида ўзаро ассоциатив муносабатга киришади. *Ёшурди* сўзи ранг даражасини янада кучайтириб, ёр ишиқда ранги сарғиш тусга кирган ошиқнинг юзи олтиндан-да сарикроқ эканлигига ишора қилади. *Сиймбар* сўзи “кумуш бадан,оқ бадан” маъносини англатади [Навоий, 1983: 75]. Кумушдаги оқлик белгиси баданининг оқлик белгиси билан битта концептуал майдон доирасида бирлашиб, шоир истаган ҳосила образ-оқ баданли ёр тимсоли намоён бўлади. Ҳосил қилинган метонимик бирлик (*сиймбар-кумуш тан*) воситасида шоирнинг гўзаллик, мукамаллик ҳақидаги тасаввурлари реаллашади. Когнитив метонимия орқали гўзаллик вербаллаштирилади. *Кумуш* лексемаси орқали тана ранги ифодаланиш ҳолатини қуйидаги байтда ҳам кузатиш мумкин:

Кумуш билакларингизни енг ичра ёшурманг,

Кишининг илги очуқ бўлса, беназир бўлур (Лутфий).

Кумуш метали ҳамда инсон *билаги (танаси)* лексемаларининг лексик-семантик майдонига тегишли бўлган оқлик белгиси тафаккурда ўзаро мослашиб, ўқувчи кўз ўнгида *оппоқ билак* тасвирини пайдо қилади. Лутфий сўз ўйинидан моҳирона фойдаланиб, иккинчи мисрада икки хил мазмунни ифодалайди: *кишининг оппоқ*



билаги очикъ турса чиройли кўринади ҳамда кишининг қўли очикъ (сахий) бўлса, яхши инсон бўлади.

Шарқ мумтоз адабиётида унумли қўлланилган ақиқ, лаъл, инжу ,садаф, ёқут, дур каби қимматбаҳо тош номлари ҳам гўзалликни тасвирлашга хизмат қилган. Бир тошга иккинчи тошдан кўпроқ қиймат, баҳо бериши биринчи тошни кадрлашидан далолат. Табиатдаги *садаф, ёқут* ўз функциясига ва қийматига эга бўлса-да, жамиятда эстетик кадрият сифатида инсон онгида қайта яралади [Раҳматова, 2019: 12]. К.В.Сборошенко аёлни қимматбаҳо тошлар ва фойдали қазилма металлариға қиёслашга асосланган метафорик модел рус ва ғарб поэтик тили учун ҳам хос эканлигини таъкидлайди ва Италиян шоири Умберто Саба ва рус шоири Николай Заболоцкийларнинг ижодидан мисоллар келтиради:

“... Le nveste un ogo

unpalpabile il corpo come un frutto.

(“Questa che ancor se stessa aina su tutto”).

Неосязаемое золото // Облегаёт её тело, как мякоть плода.

(“Та, которая больше всех любит себя”)

Зацелована, околдована,

С ветром в поле когда-то обвенчана,

Вся ты словно в оковы закована,

Драгоценная моя женщина!

(“Признание”)” [Сборошенко, 2009: 18].

Лутфийнинг қуйидаги байтида *лаъл* орқали ифодаланган тасвирда *лаб* ва *қон*даги қизиллик белгиси туташтирилади:

Лаълига боксам билурким, кўнглум ул ён тортадур,

Ноз ила ўлтургали айтур: “Сени қон тортадур” .

Лаъл-1) қизил рангли қимматбаҳо тош; 2) қип-қизил лаб [Навоий, 1983: 169].

Лабнинг лаъл тоши номи билан аталиши концептуал метафоранинг ҳосиласидир. Ж. Субъект ўзининг мақсади –*лаб*ни таърифлаш учун *лаъл*дан манба сифатида фойдаланяпти. Буни у лаъл ҳақидаги бирламчи билимлари, яъни унинг ранги, қимматбаҳолиги каби белгилар асосида амалга оширилади. *Лаб* ва *лаъл* тошига тегишли кўплаб семалар орасидан “қизил” семасини саралаб олиниб, тафаккурда ассоциациялаштириш орқали ёр лабига берилган баҳо вербаллаштирилган. Иккинчи сатрда ҳам Лутфий маҳоратига хос бўлган сўз ўйинини кўрамыз. Байт мазмунига эътибор қилинг: “*Мен ёрнинг лабига боксам, кўнглим унга қараб тортади, (қиз)мени нози билан ўлдирши учун, сени қон тортяпти, дейди*”. Энди лаб қизиллиги қон қизиллиги билан ассоциациялашади. *Агар лабга интилиб, ёрга етмоқчи бўлсанг жон беришингга тўғри келади(сени қон тортяпти)* деган мазмундан илоҳий ишқнинг ёрқин намунасини кўриш мумкин. Яъни, Ҳаққа етиш учун ўлмоқ керак. Иккинчи томондан эса халқимизнинг “қон тортиш” фраземаси ҳам воқелантирилган.



Айрим ҳолларда қизиллик белгиси ёр лабидан ташқари ошиқнинг кўз ёшига ҳам нисбат берилади, лабнинг қизиллиги ошиқ бағрини қон қилиб, кўзидан лаълу маржон (қип-қизил қон) тўкишига сабаб бўлади:

Багир қон қилди эрнидину бўлди,

Кўзумда лаълу маржон пора-пора (Саккокий).

Лаб ва қоннинг қизил ранг билан ассоциациал вербаллашуви Бобур ғазалларида ҳам учрайди:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,

Нечун ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор.

Бу ўринда “Гўзаллик” концептосферасига кирувчи “ишқ” концептининг “азоб, андуҳ” семалари орқали мазмун ифодаланган.

Гадоийнинг қуйидаги мисраларида эса ёруғлик, оқлик ва қоралик белгиси ёрдамида гўзаллик ифодалашнинг ўзгача усулини кўрамыз:

Кулларингдиндур ҳабашидин ўлжа тушган тўлун ой,

Тона олмас белгулук, чун юзида тамгоси бор.

Ҳабаши қоралик белгиси билан тун рамзини ифодалаган, ой (ўз маъносида) маҳбубанинг ҳабашдан олган ўлжаси, у буни инкор этолмайди, чунки юзида тамғаси бор. Қадимдан қулларга тамға босиш одати бўлиб, бу ерда ой юзидаги доғга ишора бор. Мумтоз шеърятимизни прагматингвистик ёндошувсиз таҳлил қилиш мушкул. Байт матнидан, *мадомики ой ҳам ёрга қул экан, демак унинг ўзи гўзалликда тенги йўқ*, деган мазмун келиб чиқади. Ўхшаш тасвири Атойи ижодида ҳам кўрамыз:

Гар боши кўкка етар, ой бир ҳабаши қулдур санга,

Ҳар киши тўймас мунинг, уш юзида билгулари.

“Яъни ой ҳар қанча юксакда бўлмасин, сенинг бир қора қулинг. Буни ҳар ким сезмаса-да, унинг юзидаги қора доғларидан белгилidir, деб киноя қилади шоир” [Сайфуллоҳ, 2008: 16].

Айрим ғазалларда ёр гўзаллиги ва унга боғлиқ бўлган ошиқ ҳолати динамик жараёнда берилади:

Фироқинг бўтаси ичра танимни сизгирур ҳар дам,

Юзумни олтун этқоли гамингни кимиё қилма.(Саккокий)

Фироқ дарди ошиққа азоб беряпти. Хаста одамнинг юзи сарғайиши ҳодисаси **метафора-гап** шаклидаги когнитив механизм орқали вербаллаштирилган. Яъни “кимёвий ҳодиса орқали олтин пайдо қилиш” жараёнининг образли тасвирида кимёвий модда вазифасини фироқ(ғам) бажармоқда. “Олтин” лексемаси **ранг** билдирувчи *манба майдони* вазифасини бажарган.

Баъзан мазмун ифодасини кучайтириш учун белгиларни кетма-кет келтириш ҳам учрайди:

Жони хазин юзунг бирла эрнингни соғуниб

Савдойилар бикин гулу шаккар ҳавас қилур.(Гадоий)



Метафорик структурада юз-гулга қизиллик, *гўзаллик*, *ёқимлилик*, *хушбўйлик* белгилари орқали қиёсланса, эрн(лаб) билан шакар *ширинлик ва мазалилик* белгилари билан ассоциациялашган. **Ранг**, **ҳид**, **маза-таъм** ифодаси ёрдамида ёр хусусиятлари таърифланади. Гадоий шеърининг навбатдаги байтида эса гўзаллик **шакл** ифодасида вербаллашувини кўрамиз:

Киприкларингни кўргали ошиқ ниёз ила

Жонига тиги новаку ханжар ҳавас қилур.

Киприк билан новак(камон ўқи) ва ханжар ўртасидаги умумий ўхшашликлар – *узунлик*, *училик* белгилари шоир тафаккурида ассоциациялашади, ташқи ўхшашликдан ташқари новак ва ханжар лексемаларига тегишли “кескир” семаси асосида воқеланган “жон олиш” вазифасини ҳам шоир киприкка юклайди. Байтдан “*ошиқлар киприкларингни кўриш учун жонига тиг санчилишига ҳам рози*” деган мазмун келиб чиқади. Бунга киприк ва ханжардаги шакл ва хусусият ўхшашлиги асос бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз шеърятдаги гўзаллик ифодасида муболағанинг ўта кучлилиги ва тасвирларнинг бўёқдорлиги кўзга ташланувчи хусусиятдир. “Гўзаллик” концептини вербаллаштиришда иштирок этадиган кўчимлар, асосан, тактил сезгилар ассоциациясига асосланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Сборошенко К.В. Метафорическая репрезентация концепта «Красота» в современной поэзии. Автореферат дисс. на соискание ученой степени кандидата филол. наук. Челябинск, 2009
2. Раҳматова М.М. Гўзаллик концептининг бадий матнларда воқеланиши ва унинг концептуал таҳлили. БДУ илмий ахбороти 2019/2(74)
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик (1983-1985). Э.И. Фозилов таҳрири остида. Тошкент; Фан, 1983. 2.3
4. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Девони Шайхзода Атоий. “Фан” нашриёти, 2008
5. А.Г. Юлдашев. Кўчма маъноли сўзларда когнитив механизмларнинг ўрни. “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал. journal.fledu.uz № 3/2019
6. Девони Шайхзода Атоий. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. Тошкент, 2008
7. Лутфий. Девон. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижойи уйи. Тошкент 2012
8. Саккокий. Танланган асарлар. ЎзССР бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1958.
9. Гадоий. Девон. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1973

